

СУВ ХЎЖАЛИГИДА МЕЛИОРАТИВ ТИЗИМЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Салиллаев Алибек Салауатович

Қорақалпоқ давлат университети, 1-курс магистрант.

Исмаилов Тимур Куатбаевич

Қорақалпоқ давлат университети, доцент ў. а.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12527852>

Аннотация. Мақолада республикамиздаги сув хўжалиги тизимини яхшилаш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги ташиқлотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ишлар кўрсатилган.

Таянч сўзлар: ирригация, мелиорация, тизим, коллектор-дренаж, сув ресурсларини бошқариш, сув таъминоти.

METHODOLOGICAL ASPECTS OF STATE ASSESSMENT OF MELIORATIVE SYSTEMS IN WATER MANAGEMENT

Abstract. In the article describes the work on improving the water management system in the country, improving the water resources management system, strengthening the material and technical base of water management organizations.

Key words: irrigation, reclamation, system, collector-drainage, water resources management, water supply.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ОЦЕНКИ МЕЛИОРАТИВНЫХ СИСТЕМ В ВОДХОЗЯЙСТВЕ

Аннотация. В статье описана работа по совершенствованию системы управления водными ресурсами в стране, совершенствованию системы управления водными ресурсами, укреплению материально-технической базы водохозяйственных организаций.

Ключевые слова: ирригация, мелиорация, система, коллектор-дренаж, управление водными ресурсами, водоснабжение.

Маълумки, дунё бўйича глобал равишда табиий-иқлимнинг ўзгариши, ижтимоий-демографик ҳолатдаги вазият, сув ресурсларининг тақчиллашиб бориши, сув ресурсларининг трансчегаравий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда Марказий Осиёда сув захиралари тақсимотидаги кузатилиши мумкин бўлган таркибий ўзгаришлар қайд этилган тенденцияни узоқ келажакда ҳам кузатилишини янада ойдинлаштиради.

Шу боис, 2007-2012 йиллар ва 2013-2017 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалиётга кенг жорий этилди ва ўз ижобий натижаларини кўрсатди. Аммо, шунга қарамай мелиоратив тизимнинг моддий-техник таъминоти, амалга оширилаётган тадбирлар самарасининг бугунги кун талабига жавоб бермаслиги истиқболда “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш...” каби масалаларнинг асосий стратегик вазифалардан бири сифатида белгилаб олиншига сабаб бўлди (1).

Чунки, бугунги кунда тизимнинг тўлиқ қувват билан ишлаши учун “4487 километр ирригация тизими каналларини, 5250 километр суғориш тармоғини, 3636 та гидротехника иншоотини, 495 та насос станциялари (агрегатлари)ни ва 1500 та тик суғориш қудуқларини, шунингдек, 7500 километр коллектор-дренаж шахобчаларини, 13 та мелиоратив насос станциялари ҳамда 185 та тик дренаж қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш талаб этилади” (2).

Шу сабабдан ҳам мазкур қарорда 2018-2019 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари сифатида “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва тупроқ унумдорлиги мониторинги ва назорати тизимини такомиллаштириш” каби масалалар асосий йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Маълумки, мелиорация тупроқ унумдорлигига ер ости сувлари, ер усти сувлари билан бирга атроф-муҳит ҳамда иқлимнинг ҳам таъсирини назарда тутди. Шу сабабдан ҳам мелиорацияни тор маънода эмас, балки кенг маънодаги ўзаро узвий бир-билан боғлиқ бўлган табиий ва техноген таркибий қисмларни ўз ичига олувчи мураккаб тизим сифатида қаралмоғи лозим. Чунки, замонавий мелиорация концепцияси мелиорация тадбирларини амалга оширишда фақат комплекс ёндашилгандагина қишлоқ хўжалигида экологик барқарор, иқтисодий самарали ва ижтимоий зарур бўлган мелиоратив тизимни юзага келтириш мумкинлигини кўрсатади.

Илмий адабиётларда мелиоратив тадбирларни турларини классификацияси бўйича қарашлар турлича. Мазкур классификациядан келиб чиққан ҳолда мелиоратив тизимлар ҳолатини баҳолашда дастлаб мелиоратив тадбирлар турлари хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур кўрсаткичлар орқали ҳудуддаги мелиоратив тизимларнинг мавжуд ҳолатидан келиб чиқадиган хатарлилик даражасини аниқлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳудуднинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш индикаторлари тизими

№	Кўрсаткичлар	Хатарли- лик белгилар и	Баҳолаш мезонлар и	№	Кўрсаткичлар	Хатарли- лик белгилар и	Баҳолаш мезонлар
1	Суғориш тармоғининг ФИК	>0,80 0,75-0,80 0,65-0,75 <0,65	1 2 3 4	11	Ҳудуднинг ўртача балл-бонитети	81-100 61-80 41-60 21-40 0-20	1 2 3 4 5

2	Хўжаликлараро тармоқлардан ФИК	>0,90 0,80-0,90 0,75-0,80 <0,75	1 2 3 4	12	Далаларнинг нишаблиги, грудус	<0,001 0,001-0,0025 0,0025-0,0075 0,0075-0,025 >0,025	1 2 3 4 5
3	Сувдан фойдаланиш коэффициенти	0,9-0,85 0,85-0,80 0,80-0,75 <0,75	1 2 3 4	13	Йиллик ўртача ёғингарчилик, мм	700> 551-700 251-550 <250	1 2 3 4
4	Ердан фойдаланиш коэффициенти	>0,90 0,90-0,85 0,85-0,75 <0,75	1 2 3 4	14	Тупроқнинг намгарчилик даражаси, %	21-22 19-20 16-28 <15	1 2 3 4
5	Тупроқдаги гумус микдори, %	>2 1,5-2,0 1,0-1,5 0,5-1,0 <0,5	1 2 3 4 5	15	ГТИларнинг ишчи ҳолатдалиги, %	100 95-85 85-80 <80	1 2 3 4
6	Сизот сувлари сатҳи ҳолати, м	<3 2-3 1,5-2 1-1,5 0-1	1 2 3 4 5	16	Мелиоратив экспедиция бошқармаларининг моддий-техник таъминоти, %	86-100 71-85 57-70 <56	1 2 3 4
7	Сизот сувларининг	0-1 1-3	1 2	17	Мелиоратив экспедиция бошқармала	86-100 71-85	1 2

	минераллашганлик ҳолати, г/л	3-5 5-10 >10	3 4 5		рида кадрлар таъминоти, %	57-70 <56	3 4
8	Сизот сувлари сатҳи критик чуқурликдан юқори бўлган майдон, %	0 5-10 10-20 <20	1 2 3 4	18	СИУларнинг моддий-техник таъминоти, %	86-100 71-85 57-70 <56	1 2 3 4
9	Критик шўрланган майдон, %	0 5-10 10-20 <20	1 2 3 4	19	СИУларда кадрлар таъминоти, %	86-100 71-85 57-70 <56	1 2 3 4
10	Самарали ҳарорат микдори, %	6,0-8,0 3,5-5,0 1,5-3,0 0,5-1,5	1 2 3 4	20	Ҳавонинг нисбий намлиги, %	60-70 50-60 40-50 <30	1 2 3 4
Хатарлилик индикаторларининг интеграл кўрсаткичи					<i>min – 20</i> <i>max - 85</i>		

Мазкур методикада мелиоратив тизимларнинг ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичлар сони уларнинг устуворлигидан келиб чиққан ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин.

Бизнинг тадқиқотларимизда ерларни мелиоратив ҳолатига бевосита ва билвосита таъсир этувчи ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқликдаги омилларни акс эттирувчи кўрсаткичлар сони 20 тани ташкил этади.

Хатарлилик белгиларини шакллантиришда асосан илмий асосланган ҳамда мелиоратив тизим ҳолатига у ёки бу маънода билвосита таъсир этувчи кўрсаткичлар танланиб, эксперт баҳолаш имконини берувчи белгилар асос қилиб олинади.

Хатарлилик индикаторлари асосан 4 баҳо билан баҳолангани ҳолда 1 – “яхши”, 2 – “қониқарли”, 3 – “қониқарсиз”, 4 – “худуднинг ҳолати деградацияга учраган”, деган хулосани беради (2-жадвал).

2-жадвал

Худуднинг мелиоратив ҳолатини бошқаришдаги хатарлилик шкалаларининг тавсифи



Мелиоратив тизимларни комплекс қайта таъмирлаш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, ушбу тадбирларни босқичма-босқич амалга оширишни талаб этади. Шу боис, бизнингча ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қайд этилган усул ёрдамида ҳисоб-китоб қилиниб:

Биринчи босқич – тупроқнинг мелиоратив ҳолатини бошқаришдаги хатарлилик 4-шкаласига эга бўлган ҳудудда амалга ошириш. Ушбу тадбирлар ички ва ташқи инвестициялар ҳисобидан амалга оширишни назарда тутди. Ушбу босқичда гап нафақат қайта таъмирлашга, мелиоратив тизимни қайта қуриш балки, юқори технологиялар билан таъминлашни ҳам англатади. Шунинг учун ушбу босқичда капитал қўйилмаларга бўлган эҳтиёж иккинчи ва учинчи босқичларга нисбатан анча юқори бўлади.

Иккинчи босқичда тупроқнинг мелиоратив ҳолатини бошқаришдаги хатарлилик 3-шкаласига эга бўлган ҳудудда амалга ошириш. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мавжуд гидромелиоратив тизимларни сақлаб қолиш ва уларни янада замонавий ва иқтисодий жиҳатдан самарали техник базасини қисман тиклаш (реконструкция қилиш) бўйича ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ.

Учинчи босқичда тупроқнинг мелиоратив ҳолатини бошқаришдаги хатарлилик 2-шкаласига эга бўлган ҳудудда амалга ошириш. Ушбу фаолиятни ер эгалари бўлган субъектлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир ва пировард натижада мазкур ҳудудни 1-шкала, яъни ҳудуднинг мелиоратив ҳолатини “яхши” кўрсаткичига кўтариш мақсадини ўз ичига олади.

Бу услубий ёндашув, биринчидан, ҳудудда мавжуд мелиоратив тизимнинг моддий-техник ҳолати, сув таъминоти ва сифати, тупроқнинг сифатига баҳо бериш асосида ҳудуднинг умумий мелиоратив ҳолати характеристикасини ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва тупроқ унумдорлиги мониторингини юритиш ва назорати тизимини такомиллаштириш;

Учинчидан эса, мазкур баҳолаш натижасидан келиб чиққан ҳолда ҳудуднинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 29-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрь ПҚ-3405-сон “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги қарори.
3. Ismailov K. S. et al. Organizational-Economic Principles of Digitalizing the Processes of Using Meliorative Systems //Journal of Survey in Fisheries Sciences. – 2023. – Т. 10. – №. 2S. – С. 3088-3091.
4. Исмаилов К. С., Байжанов С. Х., Исмаилов Т. К. Трудовые ресурсы и занятости населения в регионе //Экономика и предпринимательство. – 2021. – №. 6. – С. 557.
5. Mukhtorov U. et al. Innovative organization and increase of efficiency of agricultural melioration measures of Uzbekistan //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 386. – С. 03009.
6. Khozhâlepesov P. Z., Ismailov T. K. The Main Issues of the Development of Cotton and Textile Industry in the Republic of Uzbekistan //International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – 2022. – Т. 7. – №. 111. – С. 158-160.
7. Исмаилов Т. К. НЕОБХОДИМОСТЬ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ МЕЛИОРАТИВНЫМИ МЕРОПРИЯТИЯМИ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ //Бюллетень науки и практики. – 2022. – Т. 8. – №. 2. – С. 124-130.
8. Goibberdiev S. et al. Improving the assessment of agricultural land reclamation condition using GIS based on the interdependence of the factors impact //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 443. – С. 06013.
9. Исмаилов Т. К. СТРУКТУРНО-ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ РЕФОРМЫ СИСТЕМЫ ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА УЗБЕКИСТАНА //Экономика и управление отраслями, комплексами на основе инновационного подхода. – 2020. – С. 262-265.
10. Исмаилов К., Тимур И. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШДА" УЗАСБО" ДАСТУРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2016. – №. 1. – С. 48-52.
11. Khakimov R. et al. Current state of agriculture in the republic of Uzbekistan and the need for improving the efficiency of agro-clusters in the fruit and vegetable industry //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2022. – Т. 1043. – №. 1. – С. 012043.

12. Ismailov K. S. et al. Organizational-Economic Principles of Digitalizing the Processes of Using Meliorative Systems //Journal of Survey in Fisheries Sciences. – 2023. – Т. 10. – №. 2S. – С. 3088-3091.
13. Xalmuratovich B. S. et al. Use of Marketing Methods in the Development of Strategies for Diversification of Agricultural Production in the Republic of Karakalpakstan //Solid State Technology. – 2020. – Т. 63. – №. 4. – С. 516-522.
14. Исмаилов К. С., Байжанов С. Х., Исмаилов Т. К. Трудовые ресурсы и занятости населения в регионе //Экономика и предпринимательство. – 2021. – №. 6. – С. 557.
15. Исмаилов К. С., Байжанов С. Х., Бекбосынов К. К. Современное состояние рынка труда и проблемы занятости //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 7. – С. 212-220.
16. Исмаилов К., Тажекеев З. «БУХГАЛТЕРИЯ ЕСАБЫ ҲАҚҚЫНДА» ҒЫ НЫЗАМНЫҢ ЖАҢА РЕДАКЦИЯСЫНЫҢ ӘХМИЙЕТИ //ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА. – 2017. – Т. 34. – №. 3. – С. 31-34.
17. Mamutova A., Menlimuratova J. FEATURES OF MATERIALS ANALYSIS IN THE FIELD OF CONSTRUCTION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 189-193.
18. Abishov M., Mamutova A. FEATURES OF TAXATION OF CONSTRUCTION COMPANIES IN FOREIGN COUNTRIES AND THEIR USE IN OUR COUNTRY //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 296-304.
19. Mamutova A., Ablezova B. THE ROLE OF AGRICULTURAL PRODUCTION IN THE ECONOMY //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 270-273.
20. Mamutova A., Ibragimov A. IMPROVING THE ANALYSIS OF FINANCIAL RESULTS IN BANKING INSTITUTIONS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 561-567.
21. Mamutova A., Menlimuratova J. FEATURES OF MATERIALS ANALYSIS IN THE FIELD OF CONSTRUCTION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 189-193.